| 4 | Бир плунжерли гидравлик кутаргич | П-104(Россия) | 1 |
| 5 | Саноат чанг юткич | «Торнадо» | 1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | (Венгрия) | |

Диагностикалаш ишлари учун тавсия этилган жихозлар

3.2 – жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Енгил автомобилларни олдинги ғилдиракларини урнатиш бурчак ларини текшириш ва созлаш учун электрооптик стенд | СДД-2,5 (Польша) | 1 |
| 2 | Енгил автомобилларни ғилдиракларини динамик мувозанатлаш стенди (гилдиракни ечмасдан) | Афит (Венгрия) | 1 |
| 3 | Енгил автомобилларни тормозини текшириш стенди | 7518 (Чехия) | 1 |
| 4 | Ёндириш приборларини ва электр жиҳозларни текшириш стенди | Э-205 | 1 |
| 5 | Фараларни урнатилишини текшириш стенди | «Новатер» (Германия) | 1 |
| 6 | Газоанализатор | «Элкан–Ш-105» (Венгрия) | 1 |
| 7 | Приборлар мажмуаси | К-427, К-179, К-69М, К-402 | 1 |

ТХК ва ЖТ ишлари учун тавсия этилган жихозлар

3.3 - жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Икки таянчли электромеханик кўтаргич | ЦЕ-203 (Венгрия) | 8 |
| 2 | Гидравлик кўчма кран | П-209 (Россия) | 2 |
| 3 | Гидравлик домкрат | 444 М (Россия) | 2 |
| 4 | Приборлар комплекти | «Элкан–Ш-102» (Венгрия) | 1 |
| 5 | Автомобилни мой билан тўлдириш ва мойлаш учун марказлашган қурилма | «Аурос» (Венгрия) | 1 |
| 6 | Мой тарқатиш баки (кўчма) | 133 М (Россия) | 1 |
| 7 | Тормоз суюклиги учун бак | 326(Россия) | 2 |
| 8 | Ишлатилган мойларни йиғиш учун телескопик қабул қилувчи | ЦО-80 (Польша) | 1 |
| 9 | Хаво учун ўзи йиғиладиган шлангли барабан | 352 М (Россия) | 4 |
| 10 | Енгил автомобиллар учун созланувчи таянч | П-703 (Россия) | 8 |
| 11 | Чилангар аравачаси | Т-54005 | 8 |

Агрегат-механика устахонаси учун тавсия этилган жихозлар

3.4 - жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Деталларни Буг билан ювиш курилмаси | 196 | 1 |
| 2 | Кетинги кўприкни редукторини ечиш, йигиш стенди | Р-277 | 1 |
| 3 | Кетинги кўприкни ечиш, йигиш стенди | Р-292 | 1 |
| 4 | Рул механизмини таъмирлаш стенди | Р-704 | 1 |
| 5 | Узатмалар кутисини ечиш ва йиғиш стенди | Р-278 | 1 |
| 6 | Двигателни ечиш ва йигиш стенди | Р-297 | 1 |
| 7 | Илашиш муфтасини ечиш ва йиғиш стенди | Р-297 | 1 |
| 8 | Клапанларни жилвирлаш стенди | Р-298 | 1 |
| 9 | Двигател клапанини уяларни жилвирлаш прибори | 2447 | 1 |
| 10 | Клапанларни прижиркалаш учун дрел | 2213 | 1 |
| 11 | Токорлик винт киркувчи станок | 16-16-30 | 1 |
| 12 | Гидравлик пресс (ИОТС) | 2135-1м | 1 |
| 13 | Фрикцион накладкаларни кадаш учун пневматик пресс | Р-304 | 1 |
| 14 | Пармалаш станоги | РС – 12А | 1 |
| 15 | Чилангарлик верстаги | 070-03 | 8 |
| 16 | Асбоблар учун сандик | 0125н -9935 | 2 |

Шина устахонаси учун тавсия этилган жихозлар

3.5-жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Шиналарни ечиш ва йиғиш стенди | Пг-16 | 1 |
| 2 | Электровулканизатор | 6134 | 1 |
| 3 | Йўниш станоги | 332-б | 1 |
| 4 | Камера ёки шиналарни таъмирлаш верстаги | Ош-1457 | 1 |
| 5 | Камерани текшириш ваннаси | Р - 908 | 1 |
| 6 | Камералар учун илгич | Ш -6111 | 1 |
| 7 | Гилдиракларни саклаш учун тахмон | Н7-70 | 1 |
| 8 | Гараж домкрати | П-302 | 1 |
| 9 | Енгил автомобиллар учун созланувчи таянч | П -703 | 4 |

Аккумулятор устахонаси учун тавсия этилган жихозлар

3.6-жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Аккумулятор батареяларини тезкор зарядлаш курилмаси | ПС-1 (Польша) | 1 |
| 2 | Электродистилятор | Д1-734 | 1 |
| 3 | Аккумулятор батареяларига хизмат кўрсатиш асбоблари комплекти | Э-401 | 1 |
| 4 | Верстак | 5103 | 1 |
| 5 | Аккумулятор батареяларининг зарядлаш шкафи | Э-409 | 1 |
| 6 | Электролит тайёрлаш ва тукиш ваннаси | М-301 | 1 |
| 7 | Аравача | 6031.069 тип 12 | 1 |

Электр жихозлари ва приборларини таъмирлаш устахонаси учун тавсия этилган жихозлар

3.7–жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Электр жихозларни текшириш-синаш стенди | Элкон | 1 |
| 2 | Генератор якорони ва статорини текшириш прибори | Э-236 | 1 |
| 3 | Рейкали пресс | 918 | 1 |
| 4 | Икки тарафламали жилвирлаш станоги | НС-12А | 1 |
| 5 | Ёндириш тизимини приборларни текшириш стенди | СПЗ-8М | 1 |
| 6 | Электр жихозларини таъмирлаш асбоб ускуналари комплекти | И-111 | 1 |
| 7 | Генератор якорони ва статори коллекторларини йуниш ва пластинкалар орасидаги изолацияни фрезерлаш станоги | Р-105 | 1 |
| 8 | Кучма верстак | МВА-1 | 2 |

Таъминлаш тизими аппаратураларини таъмирлаш устахонаси учун тавсия этилган жихозлар

3.8 - жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Ёнилги насосини текшириш прибори | 577б | 1 |
| 2 | Ёнилги аппаратураларини чилангарлари учун асбоблар комплекти | И-102 | 1 |
| 3 | Жихозлар учун таглик | 5143 | 1 |
| 4 | Каватли тохмон | 31-07 | 1 |
| 5 | Кўчма верстак | МВА-1 | 1 |
| 6 | Цилиндр – поршен гурухи деталарини ҳолатини аниқловчи прибор | К-69 М | 1 |
| 7 | Компрессор | 179 | 1 |

Кузов, пайвандлаш, мисгарлик ва қопламачилик устахоналари учун тавсия этилган жихозлар

3.9 - жадвал

| т/р | Жихоз номи | Тури, русими | Сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Электромеханик агдаргич | П-129 | 1 |
| 2 | Икки томонлама жилвирлаш станоги | 33б | 1 |
| 3 | Бир постли пайвандлаш трансформатори | СТШ-300 | 1 |
| 4 | Кузовни тугрилаш ва таъмирлаш стенди | Р -612м | 1 |
| 5 | Занглашга қарши қоплама сепувчи қурилма | Аурос | 1 |
| 6 | Радиаторни текшириш ва таъмирлаш стенди | К -173 | 1 |
| 7 | Бензобак ва радиаторлар учун стеллаж | 5121 | 2 |
| 8 | Бензобакни ювиш ваннаси | 2233 | 1 |
| 9 | Газли пайвандлаш столи | 7547 | 1 |
| 10 | Тикиш машинаси | 23А | 1 |
| 11 | Қопламачилик дастгохи | НЭ-70 | 1 |
| 12 | Ўриндикларни коплаш стенди | 2386 | 1 |
| 13 | Кузов ва тукасозлик ишлари верстаги | Кисто -1 | 1 |
| 14 | Кузовни жилдириш учун арава | ИЭ-70 | 1 |

## 3.3. Ишлаб чикариш майдонларини ҳисоби

1. Техник хизмат курсатиш ва жорий таъмирлаш минтакасининг майдони.

Техник хизмат курсатиш ва жорий таъмир минтакалари майдони хисоблаш ва чизма усулида аникланади.

Ҳисоблаш усулида минтака майдони қуйидагича аниқланади:

$$Ф_{тх-жт} = ф_а \text{ x } Х_р \text{ x } К_з \text{ , м}^2$$

Бу ерда: $ф_а$ – автомобилни габарит бўйича эгаллаган майдони, м$^2$;

$Х_р$ – ишчи постлар сони;

$К_з$ – зичлик коэффициенти, $К_з$ = 4,5 ….5.

Зичлик коэффициенти қиймати бинодаги ишчи жойлари ва жихозларнинг ўрнашишига богликдир.

КХК минтакасини майдони

$$Ф_{кхх} = 4{,}522 \text{ x } 2 \text{ x } 5 = 45 \approx 54 \text{ м}^2$$

1-ТХК минтакасини майдони

$$Ф_{тх-1} = 4{,}522 \text{ x } 1 \text{ x } 5 = 22{,}6 \approx 24 \text{ м}^2$$

2-ТХК минтакасини майдони

$$Ф_{тх-2} = 4{,}522 \text{ x } 1 \text{ x } 5 = 22{,}6 \approx 24 \text{ м}^2$$

ЖТ минтакасини майдони

$$Ф_{жт} = 4{,}522 \text{ x } 9 \text{ x } 5 = 203 \approx 216 \text{ м}^2$$

Диагностика минтакасини майдони

$$Ф_т = 4{,}522 \text{ x } 1 \text{ x } 5 = 22{,}6 \approx 24 \text{ м}^2$$

1. Ишлаб чикариш устахоналарини майдони.

Хар бир ишчига тўғри келувчи майдон бўйича

$$Ф_у = ф_1 + ф_2 (Р_т - 1), \text{ м}^2$$

Бу ерда: $ф_1$,$ф_2$ – биринчи ва кейинги ишчилар учун ажратилган солиштирма майдон;

$Р_т$ – алмашинувлардаги технологик харур ишчиларни энг катта сони.

Ишлаб чикариш устахоналарини майдони

3.10-жадвал

| № | Устахоналар | Майдон, $м^2$ | | Технологик зарур ишчилар сони, $Р_т$ | Устахона майдони, $Ф_у$, $м^2$ | Кабул килинган майдон, $Ф_у$, $м^2$ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Биринчи ишчи учун, $ф_1$ | Хар бир кейинги ишчи учун, $ф_2$ | | | |
| 1 | Агрегатларни таъмирлаш | 22 | 14 | 2 | 36 | 42 |
| 2 | Чилангар механик | 18 | 12 | 2 | 30 | 36 |
| 3 | Электротехник | 15 | 9 | 1 | 15 | 18 |
| 4 | Аккумулятор таъмирлаш | 21 | 15 | 1 | 21 | 24 |
| 5 | Таъминот тизимини таъмирлаш | 14 | 8 | 1 | 14 | 18 |
| 6 | Шинани ажратиш йиғиш ва камера ямаш | 20 | 15 | 1 | 20 | 24 |
| 7 | Темирчилик, арматура, қопламачилик | 24 | 9 | 2 | 32 | 42 |
| 8 | Мисгарлик ва пайвандлаш | 22 | 9 | 1 | 20 | 24 |
| | Жами | | | | | 228 |

Ихтиёрий ишлаб чикариш участкасини лойихалаётганда ишлаб чикариш хонасининг майдони 100 $м^2$ гача булса, майдонни микдоридан четланиш ± 20 % гача, агар 100 $м^2$ дан катта булса, ± 10 % гача четлашиш рухсат берилади.

3.4. Омборхона ва автомобилларни туриш жойларини майдонини ҳисоби.

АТКлар учун омборхоналар мойданини битта автомобил учун берилган солиштирма майдон микдори оркали хисобланади.

а) Омборхона майдонини хисоби.

$Ф_{ом} = А_с$ х ф $_у$ ,$м^2$

Бу ерда: ф $_у$ – омборхона турига мос келувчи солиштирма майдон микдори, $м^2$.

Омборхона майдонини хисоби

3.11-жадвал

| № | Омборхоналар | Солиштирма майдон | Автомобиллар сони | Майдон, $м^2$ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Агрегатлар, эхтиёт кисмлар, материаллар | 0,4 | 250 | 100 |
| 2 | Резина | 0,15 | 250 | 36 |
| 3 | Мойлаш материаллари | 0,25 | 250 | 72 |
| 4 | Асбоблар | 0,1 | 250 | 30 |
| 5 | Қурилиш материалари | 0,5 | 250 | 125 |
| 6 | Хайдовчи асбоблари | 0,05 | 250 | 12 |
| 7 | Такелаж хонаси | 0,20 | 250 | 54 |
| 8 | Чиқиндилар | 0,10 | 250 | 24 |
|  | Жами |  |  | 453 |

б) Автомобилларни туриш жойларини майдонини хисоби

Автомобилларни туриш жойларига қабул қилинган ва тайёр автомобилларни туриш жойлари, ишчи ходимларнинг ва мижозларнинг автомобилларни туриши учун ажратилган майдонлар киради.

Автомобилларни туриш жойларини майдони қуйидагича аниқланади:

$$Ф_с = А_с ф_а К_з = 4,552 \text{ x } 250 \text{ x } 3 = 3391,5 \text{ м}^2$$

3.5. Маъмурий ва маиший бинолар майдонини ҳисоби

АТК ларда қуйидаги маиший ва маъмурий хоналар кузда тутилади: идора, бошлик хонаси, мижозлар учун хона, ишчилар ва мижозлар учун маиший хоналар, буфет ва куриклаш хонаси.

Маъмурий – маиший хоналар майдони қуйидагича аниқланади:

$$Ф_{мм} = \delta : 100 \, р \, ф_р \sum Р \text{ , м}^2$$

Бу ерда: $\delta$ - бир вактда хонадан фойдаланиш коэффициенти, %;

р – майдонни утказувчанлиги;

$\sum Р$ – хона майдонидан фойдаланувчилар сони;

$ф_р$ – бир фойдаланувчи учун санитар-меъёрий майдон, $м^2$/одам.

Маъмурий ва маиший бинолар майдони

3.12 - жадвал

| т/р | Хоналар номи | δ | р | $ф_р$ | ∑Р | $Ф_{мм}$ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошлик хонаси | 100 | 1 | 12 | 1 | 12 |
| 2 | Мижозлар | 80 | 1 | 1,5 | 10 | 12 |
| 3 | Ҳожатхона | 100 | 1 | 2,5 | 5 | 12 |
| 4 | Унивалник | 100 | 1 | 0,8 | 20 | 16 |
| 5 | Ошхона | 90 | 1 | 1 | 50 | 45 |
| 6 | Дам олиш хонаси | 40 | 1 | 1,5 | 40 | 24 |
| 7 | Спорт майдони | 100 | 1 | 1 | 30 | 30 |
|  | Жами | - | - | - | - | 151 |

### 3.6. Бош режа тарихи.

Автотранспорт корхонаси бош режасида бино ва иншоотлар, автомобилларни очиқ сақлаш майдонлари, автомобилларни худудда харакатланиш йўллари ва бошқалар. АТК бош режаси мавжуд «Қурилиш меъйёрлари ва қоидалари» га амал қилган холда ишлаб чиқилади.

Бош режа ва бинолар хажмий режавий ечимлари бир-бири билан узвий боглик, шунинг учун улар биргалик да ишлаб чиқилади. Бош режа ишланишидан олдин асосий бино ва иншоотлар номи, уларнинг габарит ўлчамлари, юзалари, бир бири билан боғланганликлари, кун чикиш, шамол йўналишига ва асосий йўлга нисбатан ўрнатишни аниқлаб олинади.

АТК худудини майдани қуйидагича аниқланади: $Ф_х = А_сф_х = 90 \times 40 = 3600$ $м^2$

АТКнинг бош режасида ишлаб чикариш биноси, маъмурий-маиший бино, ёрдамчи бино, омборхоналар, устахоналар, сақлаш ва кутиш жойлари, сув хавзалари, спорт майдони, «Дамас» автомобиллари олиш жойлари куламлаштирилган майтонлар келтирилади.

Корхонанинг бош режаси ташки улчамларига кура 1:1000 маштабда чизилиши лозим. Автотраспорт корхонасини ичида автомобилларни харакат оқимлари кесишмаслиги лозим. Лойихалаш жараёнида бир томонлама харакатланишдан фойдаланилади. Бир томонлама характланишда йул кенгли 3 метр булади.

### 3.7. Ишлаб чиқариш биноси

Ишлаб чикариш биноси ТХК, ЖТ минтакалари ва ишлаб чикариш устахоналарини уз ичига олади. Ишлаб чикариш биноси 1:100 ёки 1:200 маштабда, ТХК ва ЖТ, диагностика минтакаларига технологик жихозларни жойлаштирган холда чизилади.

Ишлаб чикариш майдонини режалаштириш асосини технологик хисоб натижалари ва ишлаб чикариш жараёнини ташкил этиш усули ташкил этади. Ишлаб чикариш биноларининг ичидаги минтака ва устахоналарни томонларини улчамлари 1:1 нисбатда танланади..

Ишлаб чикариш биноси 12 х 30 м куринишида 360 $м^2$ майдонни эгаллаган. Унда 1 та ТХК, 1 та Т ва 10 та постли ЖТ минтакалари автомобиллар ичкарига

кирадиган холда ташкил этилади. Хар бир пост 6 x 6 метр улчамда ёнма ён куринишда лойихаланади.

Таъмирлаш устахонаси 6 x 42 м кўринишида бўлиб, ишлаб чиқариш биносида постларнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, постлар билан боғланган ҳамда ташқари томондан кириш таъминланган.

Ишлаб чиқариш биносига автомобиллар 3 метрли 2 та дарвоза орқали киради. Бино бир томонидан материалар омбори билан, иккинчи томонидан маъмурий ва маиший бино билан уланиб кетган булиб, омборхона ва бинога хам ичкаридан, хам ташқаридан кириш мумкин. Ишлаб чикариш биноси деворлариги олтида 3 x 2 метрли деразалар жойлаштирилган. Ишлаб чикариш постлари ва устахоналари технологик жихозлар билан жихозланган бўлиб, жихозларни жойлашиш зичлиги 4 га тенг булиб, умумий эгаллаган майдони 188 $м^2$ ни яъни бино майдонини 50 % ни ташкил этади.

Технологик жихозлар лойихалашнинг техник шартларига асосан ишлаб чикариш биносига жойлаштирилади. Таъмирлаш устахонасига технологик жихозлар вазифасидан келиб чикиб, технологик ишларни бажариш учун кулай булишини таъминлайдиган холда жойлаштириш тавсия этилади.

Дамас автомобилларнига хизмат курсатувчи АТКда бажариладиган ишларни йурикномалари ёки технологик карталарини постларда булиши таъминланиши зарурдир. Технологик карталар постда бажарилиши лозим булган ишларни бажаришда технологик ишчига курсатма сифатида ёрдам беради. Унда ишлар кетма кетлиги, бажарилиш жойи, ишларни хажми ва зарур техник шароитлар тугрисида маълумотлар келтирилади .

### 4.1. Техник - иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоби

4.1.1.Дастлабки маълумотлар

Аатокорхонадаги ишларни йиллик иш ҳажми

$$Т_й=20759 \text{ о.-с.}$$

Ишлаб чиқариш ишчилар сонини ҳисоби

$$N_й = \frac{T_й}{Ф_Н} = \frac{20759}{2070} = 10{,}03 \approx 10 \text{ киши}$$

Ишчиларнинг малака тоифаси р=ИИИ

4.1.2.Ишлаб чиқариш ишчиларининг йиллик иш ҳақи фонди

а) ишчиларнинг асосий иш ҳақи

$$С_{пр}=Т_й *С_с *К_з=20759*4440*1{,}3=119\ 820\ 948 \text{ сўм}$$

бу ерда $С_с$-соатлик иш ставкаси, ишчиларнинг малака тоифаси бўйича, $С_с$=4440 сўм/соат;

$К_з$-берилган режани бажарганлиги ва ошириб бажарганлиги, бригадирлиги ва шогирд тайёрлагани учу ниш ҳақига тўланадиган қўшимчани ҳисобга олувчи коэффициент, $К_з$=1,2...1,3.

б)қўшимча иш ҳақи фонди

$$C_д = \frac{C_{пр} \cdot H_д}{100} = \frac{119820948 \cdot 10}{100} = 11982095 \text{ сўм}$$

бу ерда $H_д$-меҳнат таътили ва режани бажаргани учун тўланадиган қўшимча иш ҳақи учун ажратма меъёри, $H_д$=7...11 %.

в) ишлаб чиқариш ишчиларининг йиллик иш ҳақи фонди

$$C_{ф} = C_{пр} + C_{д} = 119820948+11982095=131\ 803\ 043 \text{ сўм}$$

г) ижтимоий суғурта учун ажратма

$$C_{суг} = \frac{C_{пр} \cdot H_{c}}{100} = \frac{119820948 \cdot 25}{100} = 29955237 \text{ сўм}$$

бу ерда $H_c$-ижтимоий суғурта учун ажратма, $H_c$=25%.

д) ишчиларнинг ойлик маоши

$$З_{ичи} = \frac{C_{ф} + C_{суг}}{12 \cdot N_{й}} = \frac{131\,803\,043 + 29955237}{12 \cdot 10} = 1347986 \text{ сўм}$$

4.2.Бошқа тоифадаги ишчиларнинг йиллик ишг ҳақи фонди

4.2.1. Ёрдамчи ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди ҳисоби

а) ёрдамчи ишчиларнинг сони

$N_{ёр} = (0{,}2...0{,}3) \cdot N_{й} = 0{,}3*10=3$ киши

б) ёрдамчи ишчиларнинг ойлик маоши

$$З_{ёр} = (0{,}8...0{,}9) \cdot З_{ичи} = 0{,}8*1347986=1078389 \text{ сўм}$$

в) ёрдамчи ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$C_{ф.ё} = 12 \cdot З_{ёр.} \cdot N_{ёр} = 12*1078389*3=38822004$ сўм

4.2.2. Муҳандис-техник ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

а) муҳандис-техник ходимлар сони

$N_{МТХ} = (0{,}1...0{,}12) \cdot N_{й} = 0{,}1 \cdot 10 = 2$ ставка

б) муҳандис-техник ходимларнинг ойлик маоши

$З_{МТХ} = 493000...508270$ сўм қабул қилинади

в) муҳандис-техник ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$C_{МТХ} = 12 \cdot З_{МТХ} \cdot N_{МТХ} = 12 \cdot 504500 \cdot 2 = 12108000$ сўм

4.2.3 Хизматчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

а) хизматчилар сони

$N_{x} = (0{,}02...0{,}05) \cdot N_{й} = 0{,}05 \cdot 10 = 0{,}5$ ставка

б) хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши

$З_{x} = 382160...409000$ сўм қабул қилинади

в) хизматчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$C_{x} = 12 \cdot З_{x} \cdot N_{x} = 12 \cdot 385200 \cdot 0{,}5 = 2311200$ сўм

4.2.4. Кичик хизматчи ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

а) кичик хизматчи ходимларнинг сони

$N_{КХХ} = (0{,}02...0{,}03) \cdot N_{й} = 0{,}03 \cdot 10 = 0{,}3$ ставка

б) кичик хизматчи ходимларнинг ўртача ойлик маоши

$З_{КХХ} = 128000...184200$ сўм микдорида қабул қилинади

в) кичик хизматчи ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди

$C_{КХХ} = 12 \cdot З_{КХХ} \cdot N_{КХХ} = 12 \cdot 165400 \cdot 0{,}3 = 595440$ сўм

4.3.Автосервис корхонаси ишчиларини йиллик иш ҳақи фонди

Автосервис корхонасидаги ишчиларнинг йиллик иш ҳақи фонди

4.1-жадвал

| Ишчилар тоифаси | Ишчилар сони (ставка) | Ишчиларнинг ойлик маоши, сўм | Иш ҳақи фонди, сўм | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Ойлик | Йиллик |
| Ишлаб чиқариш ишчилари | 10 | 1347986 | 10983587 | 131803043 |
| Ёрдамчи ишчилар | 0,6 | 1078389 | 3235167 | 38822004 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Муҳандис-техник ходимлар | 0,2 | 504500 | 1009000 | 12108000 |
| Хизматчилар | 0,1 | 385200 | 192600 | 2311200 |
| Кичик хизматчи ходимлар | 0,06 | 165400 | 49620 | 595440 |
| Жами | - | 3481475 | 15469974 | 185 639 687 |

4.4.Ишлаб чиқариш таннархи, даромад, фойда ва рентабеллик ҳисоби

4.4.1.Материаллар харажати

$C_М = A_С \cdot H_М$ =90*508600=4577400 сўм

бу ерда $H_М$ –битта автомобилга хизмат кўрсатиш учун материаллар сарфи меъёри, сўм, $H_М$ =(504000…552000)·$д_ш$=508600*0,1=50860 сўм

4.4.2.Автомобилларни таъмирлаш учун харажатлар

Таъмирлаш харажатлари, цех, жиҳозларга ТХК ва Т, умумхўжалик ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларидан ташкил топган

а) цех харажатлари

$C_{РЦ} = К_{РЦ} \cdot C_{ФИЧИ}$ = 0,5*131 803 043 =65901522 сўм

бу ерда $К_{рц}$-цех харажатларини ҳисобга олувчи коэффициент, $К_{рц}$=0,5

б) Стационидаги жиҳозларни ишлати ва уларга ТХК ва Т харажатлари

$C_{РО} = К_{РО} \cdot C_{ФИЧИ}$ = 1,5*131 803 043 =197704565 сўм

бу ерда $К_{ро}$- жиҳозларни ишлатиш ва уларга ТХК харажатларини аниқлаш коэффициенти, $К_{ро}$=1,14...2,0

в) умумхўжалик харажатлари

$C_{РХ} = К_{РХ} \cdot C_{ФИЧИ}$ = 0,5*131 803 043 =65901522 сўм

бу ердаК$_{рх}$-умухўжалик харажатларини аниқлаш коэффициенти, $К_{рх}$=0,45...0,51

г) бошқа ишлаб чиқариш харажатлари

$C_{РП} = К_{РП} \cdot C_{ФИЧИ}$ =0,015*131 803 043 =1977046 сўм

бу ерда $К_{рп}$-бошқа ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш коэффициенти, $К_{рп}$=0,015

Устама харажатларни умумий қиймати

$C_{УСТ} = C_{РЦ} + C_{РО} + C_{РХ} + C_{РП}$ = 65901522 +197704565+65901522+1977046=331 484 655 сўм

4.4.3.Ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар

$C_{РВ} = 0{,}012 \cdot C_{УСТ}$ = 0,012*331484655 =3 977 816 сўм

Хизмат кўрсатиш таннархи

4.2-жадвал

| Т-р | Харажатлар турлари | Белгилаши | Қиймати, сўм |
|---|---|---|---|
| 1 | Материаллар сарфи | $С_м$ | 4 577 400 |
| 2 | Ишчиларнинг асосий иш ҳақи фонди | $С_{пр}$ | 119 820 948 |
| 3 | Ишчиларнинг қўшимча иш ҳақи фонди | $С_д$ | 11 982 095 |
| 4 | Ижтимоий суғурта учун ажратма | $С_{суғ}$ | 29 955 237 |
| 5 | Жиҳозларни ишлатиш ва уларга ТХК харажатлари | $С_{ро}$ | 197 704 565 |
| 6 | Цех харажатлари | $С_{рц}$ | 65901522 |
| 7 | Умумхўжалик харажатлари | $С_{рх}$ | 65901522 |
| 8 | Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари | $С_{рп}$ | 1977046 |
| 9 | Хизмат кўрсатиш таннархи ($П_1$.+..+$П_8$) | $С_{АТК}$ | 377 999 387 |
| 10 | Ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган | $С_{рв}$ | 3 977 816 |

| | харажатлар | | |
|---|---|---|---|
| 11 | Тўла таннарх ($П_9$+$П_{10}$) | $сС_п$ | 381 977 203 |

4.5.Битта автомобилга хизмат кўрсатиш таннархи

$$C_П = \frac{\Sigma S_П}{A_C} = \frac{381\,977\,203}{90} = 4244191 \text{ сўм}$$

4.6.Хизмат кўрсатишдан келадиган даромад

$B = d \cdot \Sigma S_П$ =1,2*381 977 203= 458372644 сўм

бу ерда д-1 сўм харажатга тўғри келадиган даромад, д=1,18...1,2

4.7.Хизмат кўрсатишдан келадиган фойда

$П = B - \Sigma S_П$ =458372644-381 977 203=76395441 сўм

4.8.Битта ишлаб чиқариш ишчисининг ўртача иш унумдорлиги

$$П_Т = \frac{B}{N_Й} = \frac{458372644}{10} = 45837264 \text{ сўм}$$

4.9. Автокорхона рентабеллигини аниқлаймиз

4.9.1.Асосий ишлаб чиқариш фондининг қиймати

$C_O = C_{КМИ} + C_Ж + C_{АУ}$ = 117317250 + 46323000 + 15610680 = 179250930 сўм

бу ерда $С_{кми}$-қурилиш-монтаж ишларининг қиймати, сўм

$C_{КМИ} = A_C \cdot C^/_{КМИ}$ =90*1303525 = 117317250 сўм

$Съ_{кми}$-битта автомобилга тўғри келадиган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати,

$Съ_{кми}$=1303525 сўм;

$С_ж$-ишлаб чиқариш жиҳозларининг қиймати, сўм

$C_Ж = A_C \cdot C^/_Ж$ =90*514700=46323000 сўм

$Съ_ж$-битта автомобилга тўғри келадиган жиҳозларнинг қиймати,

$Съ_ж$=514700 сўм

$С_{ау}$-мослама ва асбоб-ускуналар қиймати, сўм

$C_{ау} = A_C \cdot C^/_{ау}$ =90*173452=15610680 сўм

$C^/_{ау}$ – битта автомобилга тўғри келадиган мослама, асбоб-ускуналар қиймати,

$C^/_{ау}$ =173452сўм

5.9.2.Меъёрлаштирилган айланма маблағлар қиймати

$Ф_{ОБ} = Ф^/_{ОБ} \cdot C_{РХ}$ =0,15*65901522=98852283 сўм

бу ерда $Ф^/_{ОБ}$- хўжалик харажатларининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган айланма маблағлар қиймати, $Ф^/_{ОБ}$=0,14...0,15

## Устахонани рентабеллигини аниқлаш

4.3-жадвал

| Т-р | Кўрсаткичлар номи | Белгиланиши | Қиймати, сўм |
|---|---|---|---|
| 1 | Асосий ишлаб чиқариш фонди | $С_о$ | 179250930 |
| 2 | Меъёрлаштирилган айланма маблағлар | $Ф_{об}$ | 98852283 |
| 3 | Ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати ($П_1$+$П_2$) | $Ф_{пф}$ | 278103213 |
| 4 | Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратмалар | 0,06*$Ф_{пф}$ | 16686193 |
| 5 | Фойда | П | 76395441 |
| 6 | Соф фойда ($П_5$-$П_4$) | Пъ | 59709248 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7 | Умумий рентабеллик ($П_5$:$П_3$), % | $Р_о$ | 27 |
| 8 | Ҳисобий рентабеллик ($П_6$:$П_3$) | $Р_х$ | 21 |

4.10.Ишлаб чиқариш фондларининг фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш

а) асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлик коэффициенти

$$К_Ф = \frac{В}{С_О} = \frac{458372644}{179250930} = 2,55$$

б) айланама маблағларнинг айланиш даври

$$К_О = \frac{В}{Ф_{ОБ}} = \frac{458372644}{98852283} = 4,64$$

Техник иқтисодий кўрсаткичлар

4.4-жадвал

| Т-р | Кўрсаткичлар номи | Белги-ланиши | Ўлчов бирлиги | Қиймати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Автомобилларни постга йиллик киришлари сони | $А_с$ | Та | 90 |
| 2 | Асосий ишлаб чиқариш фонди | $С_о$ | Сўм | 179250930 |
| 3 | Меъёрлаштирилган айланма маблағларнинг қиймати | $Ф_{об}$ | Сўм | 98852283 |
| 4 | Ишчилар сони | $Н_и$ | Киши | 10 |
| 5 | Ишлаб чиқариш ишчисининг иш унумдорлиги | $П_т$ | Сўм | 45837264 |
| 6 | Тўла таннарх | $сС_п$ | Сўм | 381 977 203 |
| 7 | Даромад | В | Сўм | 458372644 |
| 8 | Фойда | П | Сўм | 76395441 |
| 9 | Рентабеллик а) умумий | $Р_о$ | % | 27 |
| | б) ҳисобий | $Р_х$ | % | 21 |

## 5.1. Автотранспорт корхонасида меҳнатни муҳофаза қилиш

Ишчиларнинг соғлом ва бехатар мехнат қилишлари ҳамда уларнинг иш шароитларини яхшилашга факат юксак даражадаги, хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий килиш билангина эришиш мумкин. Бу боради меҳнат мухофазасини яхшилаш максадида режали тадбирлар ишлаб чикилади.

Касаба уюшма уставига асосан хар йили маъмурият билан ишчи-хизматчилар ўртасида ўзаро мехнат муносабатлари тугрисида жамоат битими тузилади. Бу битимда ишчи ва хизматчиларнинг мехнат килиши ва маданий, маиший дам олиши тадбирлари хакида келишиб олинади.Худди шу битимда

мехнатни мухофаза килиш чора-тадбирлари, мехнат шароитини яхшилаш масалалари хам хисоби олинади ва бу масалалар маълум тартибга келтирилиб, мехнатни мухофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирлари сифатида битимга тиркаб куйилади.

Номенклатура чора-тадбирлари планини касаба уюшмаси билан келишган ҳолда маъмурият ходимлари туради. Унга ушбу корхонада хозирги меҳнат шароити, касб касалликлари ва саноат корхонасида инсон организмига таъсир килувчи зарарли омилларнинг мавжудлиги асос қилиб олинади. Бу план касаба уюшма билан келишилгандан кейин ишчиларнинг умумий мажлисида мухокама килинади.

Номенклатура чора-тадбирларига асосан иш шароитини яхшилашга олиб келадиган чора-тадбирлар киритилиб, уларни шартли равишда куйидаги уч группага булиб караш мумкин.

1. Бахтсиз ходисаларнинг олдини олишга каратилган тадбирлар; бунга кушимча сакловчи ва мухофаза килувчи тусик системаларини урнатиш, блокировка килиш, мухофазанинг автоматик системаларини куллаш, узокдан туриб бошкариладиган асбоблар жорий килиш, сигнал системалари, механизациялаштириш масалалари ва бошкалар киради.
2. Ишлаб чикаришда касб касалликларининг олдини олишга каратилган тадбирлар; бунга ишчилар хар хил зарарли таъсир курсатувчи моддалардан мухофаза килувчи курилмалар тайёрлаш ёки сотиб олиш, яхши шамоллатиш ва хавони тозалаш системаларини урнатиш, сув ичадиган фонтанчалар урнатиш ва ичимлик сувини тозалаш хамда газлаш учун асбоб-ускуналар сотиб олиш.
3. Мехнат шароитларини умумий яхшилашга каратилган тадбирлар; бунга окилона ёритиш, санитария-маиший хоналар холатини яхшилаш, махсус кийим бош ва оёк кийимларини вактида сифатли ремонт килиш, мехнатни мухофаза килиш кабинетлари, бурчаклари ва стовкалари ташкил килиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чикариш санитариясига оид инструкциялар, эслатмалар чикариш.

Номенклатура чора-тадбирлари иш битимига киритилганлиги ва ишчиларнинг умумий мажлисида тасдиклангани сабабли, бу чора-тадбирлар бажарилиши шарт булиб колади ва унинг бажарилиши хакида маъмурият ишчиларга ахборот бериб туриши керак. Унга сарфланадиган маблаг ишлаб чикариш корхонасининг асосий фондидан олинади ва бу маблаглардан бошка максадларда фойдаланиш мутлоко такикланади.

Хар йили ишлаб чикариш травматизмининг олидини олишга юз миллион сумлаб маблаг сарфланади, бирок купгина корхоналарда травматизмлар содир булиб туради. Бахтсиз ходиса юз берган шароитларни текшириш шу нарсани курсатадики, унинг содир булишига купинча жарохатланувчининг узи, унинг шахсий сифатларидаги етишмовчилик сабаб булар экан.

Кўпинча ишни бажаришда ишловчига боглик булган психологик факторларнинг катта таъсири борлигини курсатади. Мехнат хавфсизлиги психологиясининг асосий холлари куйидагилар:

1. Мехнат хавфсизлиги ишловчининг жисмоний ва биологик сифатларининг катта комплексига боглик: янги ишчиларни кабул килишда асосий эътиборни

уларнинг уз касбларини тугри танлашига ва ишнинг хавфсиз усулларини узлаштиришларига жалб килиш лозим.

Ишловчиларнинг хатти-харакатида интизом ва узини тута билишига эришиш хам асосий факторлардан биридир. Бу нарса хавфсизлик техникаси талабларини систематик равишда бажаришда намоён булади. Ишловчиларни содир булган бахтсиз ходисалар билан таништиришда, унинг барча содир булиш сабабларини тушунтириш ва шу ернинг узида унинг олдини олиш йулларини курсатиш лозим.

2. Техникавий камчиликларнинг таъсири.

Инсонинг психтик хаёти асосан ташки мухитга боглик ва ишни бажариш пайтида бу мухитдаги зарарли факторлар инсонга бутунлай ёмон таъсир курсатади. Бу зарарли факторларга куйидагилар киради: газ ва чанг билан ифлосланганлик, ёмон ёритилганлик, жуда паст (- 4 , - 6 С) ёки жуда юкори (+ 30 С) температура, шовкин. Бу факторлар ишловчининг тез чарчашига, сергаклигининг йуколишикабиларга сабаб булади, булар эса тажрибасизлик ва эхтиётсизлик билан биргаликда бахтсиз ходисага олиб келади.

3. Ишловчиларнинг травматизмига сабаб булувчи шахсий сифатлари.

Ишга кабул килинаётган купчилик касбдаги кишилар учун мажбурий булган медицина куригини утказиш вактида ( Узбекистон Республикаси Мехнат кодекси 214-модда) ишга кабул килинаётган кишининг шахсий сифатларини, шунингдек унинг соглигидаги травматизмга чалинишини кучайтирадиган етишмовчиликларни комплекс равишда хисобга олиш зарур. Буларга куйидагилар киради:

1. Асаб касаллик системаси ёки бошка органлардаги доимий функционал узгаришлар;
2. Сезги органларининг турли камчиликлари, куришнинг кисман йукотилиши, гаранглик ва хоказо;
3. Харакатларнинг мослашувидаги нуксонлар (эпчилмаслик, ишончсиз харакатлар);
4. Эмоционал жараёнларнинг мувозанатлашмаганлиги (хурсандчилик, арзимаган ташки таъсирга дархол берилиши), булар енгилтаклик, уйламасдан иш килиш, шошма-шошарликда намоён булади;
5. Алкоголь ва нашаларга ружу куйиш;
6. Ишдан кунгли тулмаслик ва унга кизикишнинг йуклиги, бундан эса хардамхаёллик, кизикмаслик келиб чикади.

Юкорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чикадики, медицина куригининг салбий хулосасига ёки бажараётган ишига узининг шахсий хислатлари мос келмаслигига карамасдан ишга кирган киши, бошкаларга нисбатан узининг бахтсиз ходисага учрашига доимо сабабчи булади**.**

***((((ЯНГИ БЕТДАТ)))))***

## 6. Автотранспорт корхонасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш

Ер курасини ўраб олган ҳаво қоплами атмосфера дейилиб, ернинг ландшафти ҳаётида жуда муҳим вазифаларни бажаради. Атмосфера ернинг ҳимоя қатлами бўлиб, тирик организмларни турли ультирабинафша нурлардан, самарали тушадиган метеоритларнинг заррачаларидан сақлайди. Атмосфера сайёрамизда

термик режимни тартибга солиб турувчи регуляторлик вазифасини бажаради. Агар атмосфера бўлмаганда эди, унда ер юзаси кечкурун-$100^0C$ совуқ, кундузи +$100^0C$ исиб кетган бўлар эди. Фақат атмосфера туфайли ерда ҳаёт мавжуд, акс холда, у ой сингари ҳаётсиз бўлиб қолар эди.

Табиий ресурсларни ўзлаштириш, саноат ва фуқаро қурилишини жадаллашиши, аҳолини бир жойдан иккинчи жойга тез кўчиши, қисқа вақт ичида юкларни ва пассажирларни ташиш билан тавсифланади, бу юкларни ташишга талабни кучайишига олиб келади. Натижада ҳар хил турдаги транспортларни тез ривожланишига, транспорт корхоналарини кўпайишига ва транспорт коммуникацияларини ривожланишига олиб келади. Автомобиллаштириш-бутун дунёни транспорт воситалари билан тўлдириш айниқса, шахсий енгил автомобиллар ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш учун автомобил заводлари ва автотранспорт корхоналари жамиятга катта фойда келтиради, шу билан бирга автомобиллаштириш жамиятга, атроф-муҳитга ва аҳолига ўзини зарарли таъсирини кўрсатади. Бу табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва қўйидаги асосий ҳолатлар билан аниқланади.

-тўғридан-тўғри зарар: йўл транспорт ҳодисаси натижасида жамиятга етказиладиган зарар, бунда ёш одамларни ўлиб кетиши, уларни болаларини етим қолиши, уларга нафақа тўланиши, авария натижасида одамлар шикастланиши натижасида мажруҳ бўлиб қолиши ва уларни даволашга, инвалидлигига ва нафақасига қўшимча маблағ сарфланиши, йўл қурилмаларини бузилиши, юкларни нобуд бўлиши, транспорт воситаларини шикастланиши ва бошқалар учун катта миқдорда маблағ сарфланади;

-транспорт воситаларини атроф-муҳитга ва аҳолига заҳарли таъсири: транспорт воситаларини ишлаб чиқаришда ва эксплуатация қилишда улардан чиққан заҳарли газлар, шовқин, тебранишлар, электромагнит нурланишлар ва бошқа ишлаб чиқариш чиқиндилари одамлар саломатлигига ва атроф-муҳитга жуда ёмон таъсир кўрсатади. Бунда заҳарланиш даражаси транспорт воситаларини кўпайиши ва улар ҳаракатини жадалланиши билан кўпаяди;

-автомобил транспортидан оммавий фойдаланиш автомобил йўлларини, автотранспорт корхоналарини, техник хизмат кўрсатиш станцияларини, автовокзалларни, АЁҚШ ларни ва бошқа қурилишларни ривожлантириш учун катта майдонларни талаб қилади. Масалан, 1 км автомобил йўли қурилиши учун йўл тоифасига қараб 2...7 га майдон ажратилади. Қурилаётган автомобил йўлидаги ва унинг атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ёмонлашади ва алмашлаб экиш жараёни бузилади. Шаҳарларда ҳамма кўчаларни автомобил юрадиган қисми, йўл ўтказгичлар, автомобил турар жойлари ва АТК ларни эгаллаган майдони шаҳарни умумий майдонини 25...40 фоизини ташкил этади;

-автомобил транспорти жадал ҳаракатланадиган йўллар «бўлувчи самарага» эга чунки улар йўлни ҳар томонида жойлашган объектлар ва табиий комплекслар орасидаги алоқани қийинлаштиради;

-автомобил транспорти корхоналари ва йўлларни қуриш, мавжуд ландшафтни ўзгариши, сув ва шамол эррозиясини кучайиши, геодинамик жараёнларни ривожланиши (кўчки ва босиб қолишлар), атроф-муҳитни ифлосланиши (автомобил ва йўлларни эксплуатация қилганда ҳам ифлосликлар ер ости ва ер усти сувларини ифлослаши, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ёмон таъсири натижасида маҳаллий жойларни экологик тенглигини бузилиши);

-шахсий автомобилларни кенг қўллаш олдин рухсат бўлмаган табиий комплексларга рухсат бўлади, бу автомобил йўлларига яқин ҳудудларни ҳар хил чиқиндилар билан ифлосланишига ва ҳудуд майдонларини топталишига олиб келади;

-автомобиллаштиришни ва йўл тармоқларини гипортроф ривожланиши баъзи ривожланган ғарб давлатларида жамиятга катта миқдордаги одамлар ва табиий-энергерик ресурсларни сарфлайди, бу автомобиллаштиришдан жамиятга келтирилаётган фойдадан кўпроқдир.

Автомобиллаштиришдан зарарли таъсирларни жамиятга ва атроф-муҳитга таъсирини комплекс кўриш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари ёнилғи-энергетика ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳозирги давр муаммоси бўлиб қолмоқда, яъни транспорт саноати дунёда энг кўп ҳар хил хом ашё ва материалларни истеъмолчиларидир. Автомобил транспорти нефт маҳсулотларини асосий истеъмолчисидир, шу билан бирга атроф-муҳитни энг кўп ифлослантирувчисидир, улардан чиқаётган чиқинди газлар таркибида олтингугурт, азот, углерод оксиди, углеводородлар ва бошқа чиқиндилар мавжуд.

Автмобил транспорти нефт маҳсулотларидан ташқари пўлат, мис, алюминий, никел, қўрғошин ва автомобилларни ювиш учун сувни асосий истеъмолчисидир. Бу материаллар захирасини камайиши, ресурсларни чекланганлиги ва тикланмаслиги сабабли улардан фойдаланиш келажак авлодга сақлаб қолишни қийинлаштиради.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммосини долзарблигини ҳисобга олиб Диплом лойиҳаишида автотранспорт ишлаб чиқаришидаги чиқиндиларни ҳисоби ва атроф-муҳитга таъсирини камайтириш учун чора тадбирлар кўриб чиқилган.

Автотранспортни ишлаб чиқариш жараёни бу ташишдир. ташиш жараёнини узликсизлигини, яъни автомобилларни ишда узликсиз ишлашини ва уларни техник соз бўлишини таъминлаш лозим. Бунинг учун АТК ларида автомобилларга 1,2-ТХК ва жорий таъмирлаш ишлари ТХК ва ЖТ минтақаларида ўтказилиши лозим. АТК ларда автомобилларни тармоқ ва агрегатларга бўлиш ёки йиғиш устахоналари ва ейилиш ва синиш натижасида иш қобилятини йўқотган деталларни тиклаш устахоналари бўлиши лозим. Бунинг учун АТК ларда чилангар-механика, темирчилик-рессора, электротехника, таъминлаш тизимига хизмат кўрсатиш, арматура, вулканизация, ва шина йиғув, аккумулятор, ғилофлаш, агрегат, мисгарлик, тунукасозлик, пайвандлаш, мисгарлик, бўяш устахоналари бўлиши лозим. Бундан ташқари автомобилларни ювиш, тозалаш ва қуритиш учун ювиш минтақаси, ёнилғи-мойлаш материаллари билан тўлдириш учун ёнилғи қўйиш устахонаси бўлиши лозим.

## Хулоса

Менга диплом лойиҳаси иши сифатида Янгиқўрғон тумани “Водий мега транс” МЧЖда 90та ДАМАС автомобилларига АТК ташкил этиш мавзуси бириктирилган эди. Диплом лойиҳа иши олди амалиёти даврида “Водий мега транс” МЧЖда ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналарини ишлаб чиқариш фаолиятини тахлил қилдик. Ўрганишлар натижасида хозирда фаолият кўрсатаётган бу корхонада бир қатор камчиликлар аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва автомобилларга хизмат кўрсатиш

мақсадида ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришни хисобга олган холда мен юқорида қайд этилган мавзуда диплом лойиҳасини бажардим.

Диплом лойиҳа ишини умумий кисмида туманларида автокорхоналарни яратилиши фаолияти ва диплом иши мавзусини асослаш кўрсатиб ўтилган. Хисоб-технологик қисмда дастлабки маълумотлар, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича ишлаб чикариш дастурини ҳисоблаш, йўловчи ташиш корхонасини техник хизмат кўрсатиш турлари ва жорий таъмир бўйича йиллик ва кунлик иш хажмини ҳисоби, ТХК ва ЖТ меҳнат хажмини ишларнинг тури ва бажарилиш жойи бўйича тақсимлаш, йиллик иш ҳажмини ҳисоби, ишлаб чиқариш ишчилар сони хисобланган. Ташкилий қисмида АТК да технологик жараёнларни ташкил этиш, технологик жихозлар танлаш, ишлаб чикариш майдонларини хисоби, омборхона ва автомобилларни туриш жойларини майдонини хисоби, маъмурий ва маиший бинолар майдонини хисоби, бош режа тарихи ва ишлаб чикариш биноси хисоби келтирилган. Лойиҳа ишини иқтисодий қисмида ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ишчиларнинг асосий, қўшимча иш хаки, ижтимоий сугурта учун ажратма, материаллар харажатлари, таъмирлаш учун харажатлар, таъмирлаш таннархи, таъмирлашдан келадиган даромад, фойда, харажатлар ва устахонани рентабеллиги хисобланган.

Мехнат мухофазаси қисмида автотранспорт корхонасини санитария-гигиеник холати, шовкин, хавфсизлик талаблари тахлил қилинган ва устахонада ишлайдиган ишчиларни хавфсиз ишлашини таъминлаш чора тадбирлари тавсия этилган.

Атроф-мухитни мухофаза қилиш қисмида атроф-мухитга чикаётган хар хил чикиндилар ва уларни ишчи ходимларга ва табиатга зарарли таъсири тахлил қилинган ва устахонадан чикаётган чиқиндиларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тавсия этилган.

Ушбу диплом лойиҳа ишини бажариш давомида касбий билим ва кўникмаларимни мустахкамладим ҳамда институтда олган назарий ва амалий билимларимни республикамизни мустакиллигини мустахкамлашга, уни иктисодий барқарорлигини янада ривожлантиришга сарфлайман.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмат кўрсатиш ҳамда шахарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2724 сонли қарори.

3. И.А.Каримов Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. Т., “Ўзбекистон” НМИУ, 2015. -304б.

4. Каримов И.А. Жахон молияий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.:Ўзбекистон, 2009.-56 б.

5. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори -Т.1997 й.

6. Каримов И.А. Шу азиз Ватан барчамизники. - Т, Ўзбекистон, 1997 й.

7.Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни - Т, Ўзбекистон овози, 1997й 7 октябр.
8. Маматов Х. Автомобиллар (автомобиллар конструкцияси. асослари) И-қисм Т, Ўқитувчи 1998
9.С. Қодиров Тико автомобилининг тузилиши ва носозликларини аниқлаш Т. Истиқбол 2003.
10. О.Абдуллаев. Ўзбекистон экологияси: бугун ва эртага. Т, Ўқитувчи., 2003.
11. С. Кузнецов ва бошқалар. Автомобилларни техник эксплуатацияси Ш.Н. Магдиев таржимаси асосида.Т, 2003
12. Мусожонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойихалаш.Т., Фан, 2006, 232 б.
13. Хамрақулов О, Назарқулов Ё.П., Магдиев Ш.П. Автомобиллар сервиси, Жиззах, 2007, 208 б.
14. Мусожонов М.З и др. Сервис соременных атомобилей и предприятия автосервиса. Т.:ТАДИ, 2009, 37 с.
15. Икрамов М.А. ва бошқалар. Автотранспорт воситалари сервиси., Т., Ўзбекистон,2010, 266 б.
16. Ғ. Махмудов. Автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозлари. Т, Истиклол, 2011 й;
17. Мусожонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойихалаш.Т.: Фан, 2012, 232 б.

Электрон ресурслар

1.www.матлаб.сом
2.www.реф.уз
3.www.зиёнет.уз
4.www.педагог.уз
5.www.зиё.еду.уз
6.www.истедод.уз
7.www.ауто.сом

1. Файзуллаев Э.З ва бошқалар “Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси” Тошкент, “Заркалам,” 2005 й. -432 бет
2. Файзуллаев Э.З. ва бошқалар “Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси”. Тошкент “Янги аср авлоди” 2006 й. -375 бет.
3. Қодиров С.М. Тико автомобилининг тузилиши, носозликларини аниқлаш ва таъмирлаш. Тошкент, «Ўқитувчи», 2001-й. -178 бет
4. Қодирхонов М.О. Автомобилларнинг иш жараёнлари ва ҳисоби Тошкент. «Ўқитувчи» 2003 й.-234 бет
5. Е.С.Кузнецов. Автомобилларни техник эксплуатацияси. Русчадан таржима,- Т.: 2007 йил.-456 бет
6. О.Ҳамроқулов, Сҳ.Магдиев. Автомобилларнинг техник эксплуатацияси,-Т.: Наврўз, 2005 йил.-347- бет
7. Е.С.Кузнецов ва бошқалар. Автомобилларни техник эксплуатацияси Ш.Н.Магдиев таржимаси асосида,-Т.: , 2003 йил.-480 бет
8. Ўзбекистон республикаси автомобил транспорти ҳаракатдаги таркибига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ҳақидаги «Низом»,-Т.: «Ўзавтотранс», 1999 йил
9. Ҳ.М.Маматов. Автомобиллар, И қисм. ОУЮ лари учун дарслик,-Т.: «Ўзбекистон», 1995 йил.-360 бет
10. Ҳ.М.Маматов. Автомобиллар, ИИ қисм. ОУЮ лари учун дарслик,- Т.: «Ўзбекистон», 1998 йил.-330 бет
11. Полвонов А.С. ва бошқ. Транспорт воситаларида ишлатиладиган материаллар. Т.: «Фан», 2003. -224 бет
12. Маткаримов К.Ж., Махмудов Б.Ж., Норқулов А.А. Автомобилларда ишлатиладиган ашёлар. Т.: «Талқин», 2004. -304.бет
13. Г.М.Напольский, А.В.Пугин. Автотранспорт корхоналарини қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш: Ўқув қўлланма. ТАЙИ, 2004 йил.-230 бет
14. Л.Л.Афанасьев и др. Гаражи и станции технического обслуживания автомобилей,- М.: Транспорт, 1990 г.-ст.390.
15. Вахламов В.К. Автомобили. Эксплуатационное свойства. М: Издателский центр “Академия,” 2005 г.-ст.354

22.“УзДЭУ авто ҳиссадорлик жамиятининг Нексия, Тико ,Дамас, Матиз, Ласетти автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш вақт меъёрлари” “Узавтосаноат”, “Автотеххизмат” ҲЖ Тошкент 2007.-57 б.

23. К,.М. Сиддиназаров ва бошқ. Автотранспорт воситалари сервиси дарслик,-Т.: ТАЙИ, 2010 йил.-267 бет